

Навоий шаҳрида қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий корхона фаолиятини бошлади 6-саҳифа ▶



Комсток қурти – хафли карантин зарарқунандаси 10-саҳифа ▶

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020-yil 5-sentabr, shanba 44-45 (9081-9082)-sonlar

e-mail: info@qishloqhayoti.uz



ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИДА

ЯНГИ ТРИКОТАЖ

КОРХОНАСИ ИШ БОШЛАДИ



Мустақиллик байрами арафасида Андижон вилояти Олтинкўл туманида янги трикотаж корхонаси фойдаланишга топширилди.

Тумanning Қашқар маҳалласида қад ростлаган "Яхши ният текстиль" масъулияти чекланган жамияти тасарруфидаги ушбу корхонада асосан аёллар ва болалар учун трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Корхона томонидан йилига 3,5 миллион дона маҳсулот экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу корхона тадбиркор Ғ.Усмонов томонидан туман ҳокимлиги балл-банитети паст бўлган ҳудуддан ажратиб берилган ер майдонида қиймати 3 миллиард сўмга тенг лойиҳа доирасида қисқа муддатда барпо этилиб, хорижий давлатлардан замонавий тикув машиналари, дастгоҳлар олиб

келиб ўрнатилди. Келгусида бу ерда яна тўқув корхонаси ва тайёр маҳсулотлар омбори ҳам қурилади.

– Ҳудудий инвестиция дастурига кўра, жорий йилда туманимизда 260 миллиард 558 миллион сўмлик 47 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган, – дейди Олтинкўл тумани ҳокими Назиржон Ўринбоев. – Бугунги кунга қадар 94 миллиард 999 миллион сўмлик 13 та лойиҳа ишга туширилиб, 729 та янги иш ўрни яратилди. Шу кунларда эса юқоридаги корхона билан бир қаторда туманимизнинг турли ҳудудларида балиқчилик йўналишида иш олиб борувчи "Балиқчилик

саноати" ҳамда фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Био стандарт" хусусий корхонаси ҳам иш бошлади.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар натижасида туманда саноат корхоналари сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 3 йил олдин туманда 884 та корхона фаолият юритган бўлса, ҳозир уларнинг сони 1 минг 297 тани ташкил этади.

Туманда янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, шу орқали аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Янги корхона очилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда Андижон вилояти ҳокими Шухратбек Абдурахмонов иштирок этди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р ИСУД ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РАҚАМЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда судлар фаолиятида замонавий технологияларни кенг жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман одил судловга эришишни ошириш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга, бугунги кунда судларда ишларни кўришда кўпгина вазирлик ва идоралар билан маълумот алмашинуви уларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинмаганлиги сабабли асосан қоғоз шаклида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, судлар томонидан фуқаролар ва тадбиркорларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар турини кенгайтириш бўйича ишларни жадаллаштириш талаб этилади.

Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш, судлар ва бошқа идоралар ўртасида маълумот алмашинувини яхшилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6034-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3250-сон қарори билан тасдиқланган 2017–2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурининг ижроси натижасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгилансин:

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган **интерактив электрон хизматлар турларини кенгайтириш**, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг **онлайн кузатиб борилишини таъминлаш**, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини

яратиш;

судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш учун вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан **электрон маълумотлар алмашинувини янада кенгайтириш**;

махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг **очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш**;

суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини **онлайн тарзда олиш** имкониятини яратиш;

суднинг ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва бошқа дастурий маҳсулотлари **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш**, хизмат ахборотлари ва маълумотларини комплекс ҳимоя қилиш бўйича чораларни кучайтириш.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020–2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш **дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан **аудиоёзудан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш** ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш;

2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида **ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш**;

2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида **“SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш**;

2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга **онлайн тарзда**, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш;

2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида **10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш**;

2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишла-

рини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш;

судлар, Судьялар олий кенгаши ҳамда Судьялар олий мактабида ахборот-коммуникация технологиялари **инфратузилмасини янада яхшилаш**.

4. Қуйидагиларни назарда тутувчи Судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича **“йўл харитаси”** (кейинги ўринларда – “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

28 та давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ахборот тизимларини Олий суднинг ахборот тизимига босқичма-босқич улаш;

судлар томонидан давлат органлари ва ташкилотларига тақдим этиладиган маълумотларни электрон шаклда юбориш;

муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни фуқароларни овоз қилмаган ҳолда судлар томонидан **бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олиш**;

судлар томонидан жарималарни камайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали **фуқаронинг мулкый ҳолати ва ижтимоий аҳволи ҳақидаги ишончли маълумотлар билан танишиш**;

судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш.

Белгилансинки, Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

5. 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига қуйидаги имкониятларни берувчи **“Адолат” ахборот тизимлари комплекси** жорий этилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари,

адвокатлар томонидан **судларга даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш**;

манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини **онлайн тарзда кузатиб бориш**;

суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш;

суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда **автоматлаштирилган равишда шакллантириш**.

6. Олий суд 2020 йил якунига қадар:

суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи **мобиль дастурни ишлаб чиқсин** ва уни амалиётга жорий этсин;

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жазони ижро этиш муассасаларида махсус хоналарни маҳбусларнинг суд мажлисларида ва суд раҳбарияти қабулларида **видеоконференцалоқа режимида иштирок этишлари имконини берувчи ускуналар** билан жиҳозлаш чораларини кўрсин.

7. Судьялар олий кенгаши ва Олий суднинг 2022 йил 1 январдан бошлаб куйидаги тақлифларига розилик берилсин:

Судьялар олий кенгашига судьялар, судьялик лавозимларига номзодлар томонидан электрон мурожаат қилиш, суҳбат жараёнида бериладиган **саволлар ва вазифаларни ахборот тизими ёрдамида автоматлаштирилган ҳолда танлаш**;

Судьялар олий мактабига унинг расмий веб-сайти орқали ариза ва мурожаатларни йўллаш, профессор-ўқитувчилар ва тингловчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини **онлайн тарзда назорат қилиш тартибини** ўрнатиш.

8. “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар зиммасига суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилиши режалаштирилган **ахборот тизимларини ишлаб чиқиш** ҳамда уларнинг **ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш вазифалари** юклатилсин.

Белгилансинки, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактабининг буюртмаси асосида доимий равишда “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси ҳамда унинг ташкилий тузилмасидаги корхоналар томонидан амалга оширилади, уларни ишлаб чиқиш учун шартномалар белгиланган тартибда тузилади ҳамда

шартнома нархи Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан белгиланган ўртача бозор нархи асосида шакллантирилади.

9. Худудларда судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари бириктирилсин.

Олий суд Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиаллари билан биргаликда **ҳар йили 1 декабрга** қадар кейинги йил учун судьялар ҳамда судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш, уларни ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўқитиш юзасидан худудлар кесимида тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

10. Судьялар олий мактаби бир ой муддатда судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича алоҳида ўқув модулини киритсин.

11. Белгилансинки:

суд тизими учун дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари;

судлар фаолиятини рақамлаштиришда зарур компьютер, сервер ва бошқа ускуналарни харид қилиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида, Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси, халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Мазкур қарорнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида:

Олий суд раиси (К.Камилов) ва **Судьялар олий кенгаши раиси** (Х.Ёдгоров) Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йигилишида ҳамда халқаро анжуманларда суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этиладиган ахборот тизимларининг одил судловга эришиш даражасини оширишдаги

аҳамиятини муҳокама қилсин, шунингдек, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг рақамли саводхонлигини ва малакасини ошириш чораларини кўрсин;

Олий суд раиси (К.Камилов), **ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири** (Ш.Садиков) Дастур ва “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда молиялаштирилишини таъминласин;

инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари (Л.Қудратов) **Олий суд раиси** (К.Камилов) билан биргаликда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича қарорда белгиланган лойиҳалар ва тадбирлар ижросини таъминлаш учун халқаро грант, донор ташкилотлар ва хорижий ҳамкорлар маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – **IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи** (О.Умаров) Дастур ва “Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилишига кўмаклашсин;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (А.Ходжаев) Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда аҳоли, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамжамияти орасида суд ҳокимияти органлари фаолиятига жорий этилган ахборот тизимлари ҳамда ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирлар ҳақида кенг тарғибот ишларини, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ижтимоий роликларни мунтазам равишда жойлаштириш чораларини амалга оширсин.

13. Олий суд, Судьялар олий кенгаши мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорақда **ахборот бериб борсин**.

14. Олий суд манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 сентябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экологияни яхшилашда ўрмон хўжалиги жуда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам охириг уч йилда бу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Жумладан, Орол денгизининг 1,2 миллион гектар қуриган тубида ихота дарахтзорлари барпо этилди. Оборотдан чиқиб кетган 10 минг гектар ўрмон хўжалиги ерлари ўзлаштирилди, 5 ярим минг гектарда ёнғоқ, 4 минг гектарда озиқ-овқат экинлари ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилди. Ўрмон хўжаликларида биринчи маротаба 64 та биологатория ташкил этилди.

Йиғилишда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўплиги таъкидланиб, келгусидаги устувор вазифалар белгиланди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилқичилик, чорвачилик, уруғчилик, кўчатчилик, туризмни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Яна 50 минг гектар ўрмонзор барпо этиб, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларида ёнғоқ, pista ва

бодом плантациялари ташкил қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Мебелсозлик корхоналари хомашёнинг 90 фоизини импорт қилаётганидан келиб чиқиб, уларга кластер усулида павловния ва бошқа мебелбоп дарахтлар етиштириш учун ер ажратиш бўйича топшириқ берилди.

Ўрмон фонди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий этиш, хусусан, сўғориш насослари харид қилиш, қудуқлар қазииш ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йилдан бошлаб оборотда бўлмаган ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Ҳозирги кунда 20 минг гектар шундай ер ижарага берилган. Бу ишларни давом эттириб, қўшимча ерларни оборотга киритиш ҳамда тадбиркорларга ижарага беришни кенгайтириш вазифаси кўйилди.

Кўп жойларда, жумладан, Қорақўл, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Китоб, Поп, Чортоқ, Нуробод, Қўшрабат, Нурота, Бахмал, Фориш, Узун, Бойсун, Оҳангарон, Бекобод туманларида ўрмон хўжалиги резервларидан фойдаланиш бўйича ишлар танқид қилинди, етарлича ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Пиллачиликда озуқа базасини

кўпайтириш мақсадида фермер хўжаликларида 2 минг гектар, келгуси йилда 2,5 минг гектарга тут кўчатлари экиш режалаштирилди.

Ўтган йили доривор ўсимликлар плантацияси 2 минг гектарга етказилган эди. Йиғилишда келгуси йили бундай майдонларни 5 минг гектарга етказиб, ҳосилни 8 минг тоннагача ошириш зарурлиги қайд этилди.

Хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон фонди ерларида асаларчилик, чорвачилик ва паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш, бандликни таъминлаб, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўрмонлар сайёҳлар учун ҳам қизиқ. Ўтган йили экотуризм ва ов туризмдан жами 1 миллиард сўм тушган. Лекин бу кам. Бўстонлиқ туманидаги янги тизим ўрмон ҳудудларида туризмни ривожлантириш бўйича жуда катта захиралар мавжудлигини кўрсатди. Мисол учун, "Бурчмулла" ўрмон хўжалигида хусусий шериклик асосида 300 ўринли экотуризм маскани барпо этилмоқда.

Шундай имкониятларни ишга солиб, келгуси йилда экология ва ов туризмидан даромадларни 10-15 бараварга ошириш мумкинлиги таъкидланди. Шаҳрисабз, Китоб, Бойсун, Боботоғ, Зомин, Бахмал,

Оҳангарон, Бекобод, Далварзин, Поп, Қўқон, Қозоқдарё ўрмон ва ов хўжаликларида туризм масканларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда ўрмон хўжалиги бўйича илм-фанни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Маҳаллий пистанинг сувсизликка чидамли ва юқори ҳосил берадиган 13 турдаги янги навини рўйхатдан ўтказиб, кейинги йилдан тоғли туманларда экиш кераклиги қайд этилди.

Давлат ўрмон хўжалиги кўмитасига доривор ўсимликларни маҳаллийлаштириш учун тажриба плантациялари ва илмий марказ, шунингдек, ўрмон тупроқшунослиги, "in vitro" ва уруғчилик лабораторияларини ташкил этиш вазифаси юклатилди.

Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлгани каби ўрмон хўжалигини ривожлантириш учун ҳам халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилиб, йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалаларни инобатга олиб, ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича 10 йиллик дастур лойиҳасини такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда Давлат ўрмон хўжалиги кўмитаси ва худудлар раҳбарлари ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 4 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни парламент юқори палатаси Раиса Танзила Норбоева олиб борди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлисини 2020 йил 11 сентябрь кунини чақириб тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сенат Раиси Т.Норбоева мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида катта саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлади. Қолаверса, одамлар билан мулоқот қилиб, аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилинишига устувор аҳамият қаратиш лозимлигини билдирди. Шунингдек, ялпи мажлис кун тартибига киритиладиган ҳар бир масала юзасидан жамоатчилик фикрини эътиборга олиш, қолаверса, худудлардаги муаммоларни доимий

тарзда ўрганиб бориш ва уларни муҳокамага олиб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Видеоконференцадоқ тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисида бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

"Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги, "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг Давлат бюджетининг 2020 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари, илмий фаолиятни ривожлантириш учун кўрилатган чоралар ҳолати ҳамда Ўзбекистонда хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш масалалари муҳокама қилиниши режалаштирилган.

ЎЗА

Наманган ВИЛОЯТИ

Лобархон Явминова
1963 йили Наманган
вилоятининг Учқўрғон
туманидаги чекка
бир қишлоқда
пиллакорлар
оиласида дунёга
келди. Унинг қадам
ташлашни пилла қурти
парваришланаётган
хоналарда
бошлаганлиги ҳам бор
гам. Чунки, ўша пайтда
отаси Бакиржон
Халилов пиллачилик
бригадири, онаси
Адашхон ая пилла
қурти чиқарувчи
инкубист бўлганлиги
боис унинг ҳаёти шу
тарзда кечиши табиий
бир ҳол эди.



КАСБИНИ УЛУҒЛАБ КАМ БЎЛМАДИ

Мактабнинг 5-синифида ўқиётган чоғидаёқ онасининг қўл-қанотига айланганган чаққон қизалоқ туман раҳбарларининг назарига тушди. Уни колхоз раиси ўқув қуроллари ва гилам билан мукофотлади. Шу-шу у пиллачилик соҳасига астойдил кўнгил қўйди. 1981 йил мактабни аъло баҳоларга ботириб Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ипакчилик факультетига ҳужжат топширди. Аммо кира олмади. Бир йил хўжалиқда пиллачилик бригадири ёрдамчиси бўлиб тажрибасини оширди. Келаси йил олийгоҳнинг сиртки бўлими талабаси бўлиш бахти насиб этди.

1983 йилдан Норин туманидаги “Ғалаба” колхозида мустақил пиллачилик бригадири сифатида фаолият юрита бошлади. Қисқа давр ичида хўжаликнинг соҳада қўлга киритган натижалари нафақат туманда, вилоят миқёсида ҳам тилга тушди. Уни туман бош пиллахона МЧЖга ишга ўтказишди. Аввалига Катта Ўлмас худудига агрономлик қилди. Тез орада МЧЖ раиси ўринбосари, 2004 йилдан МЧЖ раиси вазифаси ишониб топширилди. Ўша йили туман пиллакорлари ҳар қути қурт уруғидан ўртача 57 килограмдан “кумуш тола” етиштиришга муваффақ бўлди. 350 тоннадан ошириб хирмон уюб, мамлакатда биринчилардан бўлиб маррани



забт этди.

2013 йил Лобархон Явминова Наманган вилояти ҳудудий агропилла бирлашмасига раҳбар этиб тайинланди. У вилоят ҳокими ҳузуридаги суҳбат чоғида соҳани ривожлантириш борасидаги таклифи ва муаммоларни очиқ ошқора айтиб, мамлакат иқтисодиёти ривожини йўлида янада астойдил меҳнат қилишга сўз берди. Президентимиз томонидан 2017 йил 29 мартда қабул қилинган “Ўзбекистанга” уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарор уни ва у билан ёнма-ён тер тўкаётган “кумуш тола” ижодкорларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Пиллакорларнинг елкасига офтоб теғди. Етиштирилган ҳосилга тарозининг устида ҳаққи тўла ҳисоб-китоб қилинадиган бўлди. Илғорларни рағбатлантириш, санаторияларда дам

олдириш омиллари ҳаётга татиқ этилди. Бу каби имтиёзлар қадимдан пилласи билан ном қозонган Наманганда янги бир даврни бошлаб берди.

Вилоятдаги мавжуд 2600 гектар тутзорлар бирлашма ихтиёрига қайтарилди. Бу майдонлар 85 минг нафар касаначиларга тенг тақсимлаб берилди. Тутзорларнинг ҳақиқий эгаларига берилгани кўчатларни янада сербарг бўлиб ўсиши, пайҳонгарчиликнинг олдини олиш йўлида муҳим аҳамият касб этгани боис, озқанинг мўл-кўл бўлишига олиб келди. Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яратилган барги юмшоқ ва серҳосил янги тут навидан барпо этилаётган тутзорлар эса йил давомида 3-4 мартагача қурт парваришлани, фуқароларни иш биланд банд қилиш имкониятларини бераётир.

– Биргина 2020 йилнинг ўзи-

да апрель-май, июнь, август, сентябрь ойларида тўрт марта, жами 32000 қути қурт уруғини павариш қилишга, ҳар қути ҳисобига ўртача 56 килограмдан пилла етиштиришга муваффақ бўляпмиз. Ҳамкор корхоналаримиз “Fabriktex” МЧЖ, “Golden Silk” ШК, “Marjon tola fayz” МЧЖ, “Zilol Silk” ҚҚ, “Verigrow ipagi” Х К, “Sof ipak invest” МЧЖларига 1800 тоннадан ортиқ sanoat хомашёси етказиб бердик ва дунёда корона-вирус пандемияси давом этаётган бир пайтда 4000 тадан кўпроқ хонадон аъзоларини иш билан банд қилдик, қўшимча даромад қилишига асос яратдик, – дейди Лобархон Явминова.

Мустақиллик байрами арафасида вилоят пиллакорларини хушнуд этувчи бир хушхабар тарқалди. Президентимизнинг Фармони асосан, “Наманган худудий агропилла” МЧЖ раҳбари Раҳбархон Явминова “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” унвони билан тақдирланди. Биз ҳам ёшлигидан пиллачилик соҳасига кўнгил қўйиб, бор билими, тажрибаси, ҳаётини унинг ривожига бағишлаб келаётган “кумуш тола” ижодкорини ватанимизнинг юксак мукофоти билан муборакбод этамиз.


Равшанбек
МИРЗАОЛИМОВ,

“Oishloq hayoti” мухбири.

НАВОИЙ ШАҲРИДА ҚУРИЛИШ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Навоий шаҳрида “NAVOIY KOMPOЗИT” МЧЖ ҚҚнинг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди.

Мазкур корхона маҳаллий хомашёдан замонавий ва композит қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.



Корхона фаолиятини бошлаши муносабати билан 50 та янги иш ўрни яратилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,5 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг 1,2 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ташкил этади, 0,3 миллион доллари эса корхонанинг ўз маблағлари ҳисобланади. Лойиҳанинг умумий йиллик қуввати 500 минг метр квадрат композит тош плиталари (агломерат), 13 минг тонна куруқ қурилиш қоришмалари, 1000 метр квадрат қайта ишланган сунъий ва табиий тош маҳсулотларини ишлаб чиқаришдир. Хорижий инвестор – CENTURY

CREDIT ENTERPRISES LTD (Канада) ҳисобланади.

Корхонанинг очилиш маросимида Навоий шаҳри ҳоқими М.Базаров иштирок этди ва сўзга чиқди.

Лойиҳа ташаббускори томонидан корхонага хориждан замонавий ускуналар келтириб ўрнатилди.

Эндиликда мазкур корхона томонидан бунёдкорлик учун муҳим бўлган қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Жорий йил якунига қадар корхонанинг иккинчи босқичи ҳам ишга туширилиши режалаштирилган.

Ўз мухбиримиз.

ЖИЗЗАҲДА ЎЗИНИ-ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН 11 НАФАР ФУҚАРО ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ЗАРУР ТЕХНИКА БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Ўзини-ўзи банд қилиш амалиётига аҳолининг қизиқиши ошиб бормоқда. Бугунга келиб Жиззах вилоятида ўзини-ўзи банд қилганлар сони 13741 нафарни ташкил этаётир. Бу борадаги йиллик режа 104 фоиздан ошди.

Мустиқиллик байрами муносабати билан вилоятимиз туманларидаги 11 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқарога имтиёзли кредит



эвазига зарур техника ва уй ҳайвонлари олиб берилди. Бу фуқаролар туман ДСИлари раҳбарларининг тавсиясига кўра танлаб олинди, фаолиятини кенгайтириш учун имконият яратилди.

Жумладан, Арнасой тумани Бўстон МФИда яшовчи Зуҳра Эргашева тикиш-бичиш фаолияти бўйича ўзини ўзи банд қилган. Унга “Агробанк”нинг туман филиалидан 3,5 млн. сўм кредит эвазига 3 йил

муддатга бир донга тикув машинаси ажратилди. Кредитнинг имтиёзли муддати 6 ойни ташкил этади.

Шароф Рашидов тумани Кўрпасой маҳалласида истиқомат қилувчи Азимжон Ражабов чорвачилик фаолияти бўйича ўзини ўзи банд қилган. У “Халқ банки” туман филиалидан 3 йил муддатга, олти ойлик имтиёзли муддат билан 10 млн. сўмлик кредит эвазига 2 бош қорамолли бўлди.

Умуман, ушбу акция давомида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар 21 та тикув машинаси, 3 бош қорамол ва иссиқхона қуриш учун 1 сотих ер майдонига эга бўлдилар.

Вилоятимизда ўзини ўзи банд қилиш бўйича бу каби рағбатлантириш тадбирлари давом этади.

PS. Ўзини ўзи банд қилиш орқали ижтимоий солиқнинг 50 фоизи (11500 сўм)ни тўлаш эвазига иш стажига эга бўлиш мумкин. Бунинг учун “Soliq” мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтиш талаб этилади.

Жиззах вилояти ДСБ
Ахборот хизмати.


Сирдарё вилояти

ХОВОС ТУМАНИДА ЯПОНИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ХИТОЙДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН, ҚИЙМАТИ 4 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КЎЧМА (МОБИЛЬ) АЛФАЛЪТ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

ХОВОСДА ЗАМОНАВИЙ АСФАЛЪТ ЗАВОДИ

Замонавий заводнинг ишлаб чиқариш қуввати жуда баланд: бир соатда 120 тонна, бир кеча-кундузда 1000-1200 тонна маҳсулот тайёрланади. У автоматик пультлар ёрдамида бошқарилади. Корхона ишга туширилиши ҳисобига бу ерда 12 киши доимий иш билан таъминланди.

– Ушбу лойиҳани амалга ошириш биланоқ М-34 Тошкент-Душанбе халқаро йўлининг 145 километрдан 152 километригача бўлган 7 километр оралиқдаги автомобиль йўлини тубдан реконструкция қилиш ишларини бошлаб юбордик, – дейди Фавкулотда вазиятлар вазири махсус қурилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, майор Норча Астанов. – Ҳозиргача ушбу йўлга 38 минг тонна асфальт-бетон ётқиздик. Бу ишларни бажаришга 40 дан ортиқ турли махсус техника воситаларидан ташқари, 30 дан зиёд йўлсозлар жалб этилган. Бундан ташқари, вазиригимиз ташаббуси билан хайрия сифатида “Ховосбод” зиёратгоҳининг майдонига, у ерга эл-



тувчи йўл ва пиёдалар йўлакчаларига жами – 2 минг кв. метр асфальт ётқизиб бердик.

Эътиборли жиҳати, асосий хомашёлар – тошлар Зомин тоғларидан олиб келинаётган бўлса, Сирдарёдан ювилган тоза қум, Ховосдан шагал, шунингдек, маҳсулот зичлигини оширишга мўлжалланган минерал порошоклар

Қорақалпоғистондан келтирилаётгани учун ҳам бу ерда тайёрланаётган асфальт қиймати анча арзон бўлишини таъминлаётди. Муҳими, маҳсулотнинг сифатлигига гап йўқ. Яна бир қулайлик томони эса ушбу кўчма заводни электр ва сув таъминоти яхши бўлган хоҳлаган ҳудудга кўчириб ишлатавериш мумкин.

– Келгусида заводда иш 3 навбатда ташкил этилади, – дейди Норча Астанов. – Лойиҳанинг иккинчи босқичида бу ерда йўл четига ётқизиладиган кичик лотоклар, бардёрлар ва 240х60 ҳажмдаги қурилиш бетон-плиталарини ҳам ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Бу эса қурилиш соҳасида экспорт ўрнини босувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларимизни янада кенгайтиради. Энг муҳими, заводда қўшимча яна 30 та янги иш ўринлари яратилади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



НЬУ-ЙОРКДА ЎЗБЕКИСТОН САВДО УЙИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон экспортчилари уюшмасининг АҚШдаги бизнес элчисининг хабар беришича, савдо уйи шаҳарнинг Бруклин, деб номланган ҳудудида очилган.

Эндиликда Ўзбекистонлик тадбиркорлар савдо уйи орқали ўз маҳсулотларини АҚШда сотиш имконига эга бўлди.

Савдо уйи очилиш маросими Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган текстиль, консерва маҳсулотлари, сархил ва қуритилган мевалардан иборат кўргазмага улашиб кетди. Унда АҚШ тадбиркорлари маҳаллий тадбиркорларимиз билан шартномалар имзолагани ҳақида айтилмоқда.

Бруклинда 3 миллиондан зиёд МДХ мамлакатлари фуқаролари яшайди. Улар Ўзбекистонда етиштирилган маҳсулотларга катта қизиқиш билан қарайди.

ЎЗА



Тошкент вилояти

ҲОСИЛ ТУРКИЯГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНАДИ

Оҳангарон туманида ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида, уларга деҳқончилик билан шуғулланишлари учун шу йилнинг баҳор ойларида ер майдонлари ажратиб берилган эди.

Хусусан, 2-сектор раҳбари, туман прокурори ташаббуси билан мазкур ҳудудда фаолият олиб бораётган “AGRO MIR” МЧЖ қишлоқ хўжалиги корпорацияси томонидан тумандаги 50 нафар ёшга жами 15 гектар ер майдони ажратилиб, ёшларимиз экспорт-бол қалампир навларини экишган эди. Бунинг учун туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан жами 109 млн. сўм миқдорда субсидиялар ажратилганди.

Мана, иштиёқ билан парваришланган қалампирлар бугун ҳосилга кирди. Айни дамда ёшларимиз ўз меҳнатларининг самараси ўлароқ, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишни бошлашди.

Гектарига 15 тоннадан ҳосил олинishi кўзда тутилган бўлиб, корпорация томонидан ёшларга ҳосилнинг ҳар бир килоси учун 2 000 сўмдан ҳақ тўланмоқда.

“AGRO MIR” МЧЖ қишлоқ хўжалиги корпорацияси туркиялик ҳамкорлар билан ўзаро шартнома имзолаган бўлиб, ҳосилнинг барчаси экспорт қилинади.

Оҳангарон тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

СУРХОНДАРЁДА ПАВЛОВНИЯ ПЛАНТАЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
“Республикада тез ўсувчи ва
саноатбоп павловния дарахти
плантацияларини барпо қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
қарори қабул қилинди.



Бундан кўзланган мақсад хунармандчилик, қурилиш материаллари, ёғоч ва ёғоч қириндили хомашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек, аҳолини муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Шунга мувофиқ, тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, сув танқис, ер ости сувлари 30 метрдан пастда жойлашган фойдаланилмаётган захира майдонлар-

да ҳамда ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 2020-2024 йилларда павловния дарахти плантациялари барпо этилади.

Жумладан, Сурхондарё вилояти ўрмон фондининг сув танқис ёки тупроғи шўр бўлган ерларида синов тариқасида 70 гектар павловния дарахти плантациялари ташкил этилиб, 52,3 минг дона павловния кўчатлари етиштирилади.

КУЛОЛЛАР ШАҲРИ – РИШТОНДА ИЖОДКОРЛИК АВЖИДА


КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ КЎП ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИ ҚИЁФАСИ БУТУНЛАЙ ЎЗГАРДИ.

Фарғона вилояти

Масалан кулоллар юрти Риштон туманининг маркази ва унга туташган йўл бўйларидаги барча қишлоқларни олиб қаранг. Улар мана икки йилки, тубдан ўзгариб кетди. Йўллар кенгайди ва равланштирилди. Аҳоли хонадонлари қайта қурилиб, пастқам ва кўримсиз бинолар ўрнига икки қаватли кенг ва ёруғ бинолар барпо этилди. Биноларнинг инфратузилмалари бир-бирига мос равишда барпо қилиниб, охирига етказилмоқда. Асосий йўлдан гавжум қишлоқларга буриладиган жойларга ўрнатилган светафорлар ҳам йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Бугина эмас, йўллар четига манзарали дарахт кўчатлари, гуллар ўтқазилди. Ташкил қилинган ва алоҳида меҳр билан парваришланаётган майсазорлар ҳам атрофга гўзаллик бахш этиб турибди.

– Риштон асли кулоллар юрти, – дейди таниқли кулол-рассом Рустам Усмонов. – Ҳозир ҳам ёшлар орасида жуда кўплаб устазода кулоллар етишиб чиқан, уларнинг ижодий маҳсулотларини кўрган киши ҳайратланади. Риштонда қайта қуриш бошланганда кўпгина кулолларнинг хонадонлари бузилиб, ўрнига янги икки қаватли уйлар қурилиши бошланди. Менинг уй-музей хо-



надоним хорижий сайёҳлар келиб тушадиган масканлардан бирига айланган эди. Уйларим, кўргазмаларим, айвонларнинг бир қисми сносга тушди. Қайта қуришга кўп куч сарфлашга тўғри келди. Бироқ бу қурилишлар яхши бўлди. Уйимнинг ичкарасидаги устахоналарни ҳам бузиб, қайта қуришга тўғри келди. Сайёҳлар сопол буюмларининг асосан лойдан тайёрланишидан тортиб то хумдонда пишишигача бўлган жараёнларини кўришни хоҳлашади. Мен, шогирдларим ишлайверамиз, улар биз билан суҳбатлашиб, ажойиб мўъжизалар яратилаётган жараённи суратга туширишади. Ўзбек халқи қадим маданиятининг шаклланиш жараёнларини кўзлари билан кўрадилар. Мана ҳозир шу жараённи тўла-тўқис бизнинг уй-музейимизда бемалол

босқичма-босқич кўраверадиган бўлди.

Рустамнинг уй-музейи дарҳақиқат ҳозир аввалгидан ҳам зўр қиёфа касб этган. Барча ишлаб чиқариш жараёнлари кўришиб турган янги цех қурилди. Кўргазмаларга қўйилган бадий кулолчилик маҳсулотлар – лаганлар, вазалар, хумлар, чойнак-пиёла, кошинлар, совғабоп миниатюра маҳсулотлари деворларга осилган, столларга тахлаб қўйилган.

Биз таниқли рассом-кулолдан яна Риштон истиқболи, кулолларнинг келажаги ҳақида сўраймиз.

– Риштоннинг бугунги қиёфасини мен ҳам кўпгина кулолларимиз қатори сезиб томоша қилгим келади, – деди у ўйчанлик билан. – Ҳар қандай ободончилик ҳам қадим-қадимдан бери бузилишларсиз, кенгайтиришларсиз

амалга оширилмаган. Риштоннинг олдинги ва ҳозирги қиёфасини солиштирсангиз, ер билан осмонча фарқ қилишини кўрасиз. Биринчи қаватнинг деярли ҳаммасида аҳолига хизмат кўрсатиш шаҳобчасининг қандайдир тури бор, тижорат дейсизми, хунармандчиликми, савдо-сотик дейсизми, ишлаб чиқаришми, барчасидан муҳайё қилинган. Энди ҳеч ким бу борада қийналмайди. Бир томондан бозоримиз қад ростлаяпти ва ҳоказо. Илоҳим, кўз тегмасин дейман. Бир кулол сифатида бунёдкорлик ишларидан қувончим ичимга сиғмайди.

Рустам Усмонов бир вақтлар Риштон бадий кулолчилик заводида бош рассом бўлиб ишлаган чоғларида ёш кулолларга устозлик қилган, уларни янги-янги сержило кошинлар чизишга чорлаган эди. Уларнинг аксарияти ҳозир катта уста кулолга айланган. Япониянинг Камацу шаҳри кулоллари билан дўстлик алоқасини боғлаган, таниқли кулол Алишер Назиров Рустамдан кейин бош рассомлик лавозимини эгаллаган. Лекин у ҳам Рустамдан баъзи нарсаларни ўрганганини тан олади. Уларнинг ҳамон ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб, ижодий ишларда бир-биридан маслаҳат олиб туриши атрофдаги кулоллар ҳавасини келтиради.

– Риштонлик кулолларнинг хонадонларида ижодий иш қилишини тартибга солиш мақсадида бундан бир неча йил бурун тумanning дашт худудидан sanoat зонаси ажратиб берилган эди, – дейди Рустам Усмонов. – Табиий газ линияси алоҳида, лой қориш, чинни учун коалин лойи тайёрлаш ишлари ҳам алоҳида цехларда тайёрланади. Ман шу жойда жуда кўп кулол ва чиннипазлар ҳалол ишлаб, яхшигина даромад топишяпти. Энди эса туман ҳокими Суфхон Солиев “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳига яқин жойда жойлашган “Хўжай Рушно” зиёратгоҳини қайта қуриш, унинг ёнида кулоллар шаҳарчасини барпо қилиш ишига бош бўляпти. Бу ерда яқин кунларда Риштон кулоллари ажойиб бадий кулолчилик буюмлари ярата бошлайдилар. Сирасини айтганда, Риштон кулолларининг обрўси яна тикланиб, жаҳон бўйлаб кеза бошлайди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
журналист.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда “Янги Ўзбекистон” ибораси тилга олинаётгани, бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залворли ютуқларимизнинг эътирофи эканини алоҳида таъкидлади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР –

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган янги босқичдаги ислохотлар самарасини бера бошлади. Пировардида, Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда.

Мазкур янгиланишлар давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилгани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Яқин истиқболдаги инновацион тараққиётимизнинг дастуриламали бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши ҳам айнан давлат бошқаруви тизими ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларга бағишлангани бежиз эмас. Янги Ўзбекистонда демократик давлат бошқаруви тизimini ислох қилиш “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган юксак гоёга асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу борада ҳозирга қадар қилинган саъй-ҳаракатларни таҳлил қилсак, қуйидаги муҳим жиҳатларни кўриш мумкин.

Биринчидан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммоларини самарали, тезкор ҳал қилишнинг сифат ва мазмун жиҳатдан мутлақо янги тизими яратилди. Олиб боришлар ишлар самараси ўлароқ, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор вазифалари бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ечиш, соҳани тўлақонли тартибга солиш чоралари кўрилмоқда.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташивишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Мазкур тузилмалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, шунингдек, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизми ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонига айланди.

“Менинг фикрим” жамоавий мурожаатлар портали ишга туширилди. Фуқароларга Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига электрон жамоавий мурожаат йўллаш имконияти яратилди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада

мустаҳкамлаш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси дастурининг қўшимча қўлайликларга эга янги версияси ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, жаҳон андозаси бўлган “тарозилар палласи” (checks and balances) тамойилининг амалда ўз аксини топишига эришилди. Жумладан, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва давлат қўмиталари раислари номзодини Бош вазир тақдимида биноан Қонунчилик палатаси томонидан маъқуллаш ва Президент томонидан тасдиқлаш тартиби белгиланди.

Шу билан бир қаторда, Ҳукумат аъзолигига номзоднинг соҳани ривожлантириш бўйича яқин мuddат ва истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастури билан депутатлар олдида чиқиш қилиш тартиби жорий этилди. Ҳукумат аъзосининг ўз ҳаракат дастури ижросини амалга оширишига доир масалалар юзасидан ахбороти Олий Мажлис палаталари, уларнинг қўмиталарида мунтазам эшитиб борилиши амалиёти йўлга қўйилиб, вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқланиши белгиланди.

Қонунчилик палатасида давлат бошқаруви органлари мутасаддиларининг ахборотини эшитиш бўйича “Ҳукумат соати”ни ўтказиб бориш анъана тусини олди. Қуйи палатада давлат бюджети, иқтисодиёт, пул-кредит сиёсати масалаларида, шунингдек, давлат бюджети ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлашда депутат ва сенаторларга профессионал, мустақил ва ҳолис ахборот-таҳлилий, экспертлик хизмати кўрсатиш мақсадида Давлат бюджети бошқармаси ташкил этилди.

Парламент ва ижро ҳокимиятининг ҳамкорлиги кучайтирилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталаридаги доимий вакили лавозими таъсис этилди ва унинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишдаги роли оширилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш тизими янги, халқчил кўринишда йўлга қўйилди.

Учинчидан, номарказлаштириш сиёсати намунаси ўлароқ, “ҳудудлардаги муаммони, энг аввало, ўша ҳудудда ишлайдиган ва яшайдиган инсонлар яхши ҳал қила олади”, деган фикрдан келиб чиққан ҳолда давлат аппаратининг институционал тизими қайта кўриб чиқилиб, уни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш бўйича муҳим ислохотлар амалга оширилди. Шу жумладан, ҳудудларни комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мутлақо янги тизим – секторлар фаолияти йўлга қўйилди. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳудудлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари, прокурорлари, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 4 та секторга бўлинди.

Республика даражасида қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимликларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали ҳудудларни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллий дастурларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишиш тартиби жорий қилинди. Ўз навбатида, Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларга масъул этиб бириктирилди.

Тўртинчидан, давлат хизматларини кўрсатиш тизимига инновацион ёндашув жорий этилиб, фуқароларга нисбатан бюрократик сансзорлик, сарсонгарчилик ҳолатларини тубдан ислох қилишда катта қадамлар ташланди.

Авваллари фуқаролар турли норасмий тўловлар, коррупция ҳолатларидан азият чеккан бўлса, давлат хизматларини кўрсатишда инсон

омилининг камайирилиши ҳисобига бундай муаммоларга чек қўйилмоқда. Хусусан, мазкур соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш масъулияти юкланган алоҳида давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритувчи давлат хизматлари марказлари айлантирилди. “Ягона дарча” тамойили нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки бевосита фуқароларга ҳам хизмат кўрсатишда амал қиладиган бўлди. Хусусан, республика бўйича ташкил этилган давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йилнинг бошида жами 37 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, 2019 йилга келиб уларнинг сони 130 га етди (қарийб 3 баравар). 2020 йилдан бошлаб марказлар орқали 143 та давлат хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилди. Марказлар орқали 2017 йилда 120 миңга яқин давлат хизматлари кўрсатилган бўлса, хизмат турлари орگانлиги ҳисобига кўрсатилган давлат хизматлари сони 2019 йилда 11,3 миллионга етди (2018 йилга нисбатан 2,3 баравар кўп).


“Онлайн маслаҳатчи” модули яратилди ва жами 94 та давлат ташкилот ва идораси мазкур модулда бирлаштирилди. 24 та давлат хизматлари электрон шаклга ўтказилиб, хизматлар сони 157 тага етказилди. Жисмоний ва юридик шахслар давлат хизматларини экстерриториал тамойил бўйича, яъни фуқароларнинг яшаш ва юридик шахсларнинг почта манзилидан қатъи назар, республиканинг ҳар қандай ҳудудда олиш имконига эга бўлди.

Шубҳасиз, бу саралаш бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг фақатгина кичик бир қисмини қамраб олган, холос. Бироқ шуни айтиш лозимки, давлат бошқаруви тизимидagi ўзгаришлар бошқа соҳалардаги ислохотларнинг ҳам муваффақияти гарови бўлмоқда. Ишонч билан қайд этиш мумкинки, айнан шу соҳадаги ислохотлар самараси Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистондаги янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврининг пойдеворига тамал тоши вазифасини бажаради.

Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази
ижрочи директори.
ЎЗА

КОМСТОК ҚУРТИ – ХАФЛИ КАРАНТИН ЗАРАРКУНАНДАСИ

Комсток қурти энг хавфли ҳаммахур зараркунандалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда карантин зараркунандалари сирасига киради. Комсток қурти 300 хил ўсимликни зарарлайди. Мевали дарахтлардан анор, беҳи, олма, нок, шафтоли шунингдек, тутларга қаттиқ зарар келтиради. Кўпгина сабзавот, полиз экинларини зарарлайди. Шу билан бир қаторда бу ҳашарот тўдаларини ўтзорларда ҳам учратиш мумкин.



Комсток қурти дарахт танаси, шохлари, барглари, гуллари ҳамда меваларининг ширасини сўриб дарахтларни тобора заифлаштиради. Тўдалар ҳосил қилиб жойлашганлиги сабабли кучли зарарланган дарахтларда шишлар пайдо бўлиб ёш новдалар қуриди ва барглари тўкилади.

Эркак ва ургочи зотлари ташқи тузилиши бўйича кескин фарқланади.

Вояга етган ургочи қурт 5 мм узунликда ясси шаклли қизғиш оқ тусда усти мумсимон оқ ғубор билан қопланган бўлади. Танасининг ён томонида 17 жуфт ўсимталари бор шу жумладан охириги бўғида ипсимон иккита думчаси бор. Мўйловлари 8 бўғинли бўлади.

Эркак қурт 1-1,5 мм узунликда қизғиш жигаррангли 1 жуфт шаффоф қанотли мўйловлари 10 бўғинли бўлади.

Комсток қурти тухум босқичида қишлайди. Бу тухумлар ургочи қуртнинг танасидан ажратилган мум ва мимиқсимон оқ ғубор тагига тўда-тўда бўлиб жойлашади. Кўкламги личинкалари март ойининг охири апрел ойининг бошларида тухумдан чиқади.

Тухумдан чиққан қуртлар дастлабки 2-3 кун мобайнида мумсимон қопчиқда туради сўнгра ўрмалаб барглarning таги томирлари бўйлаб ёпишиб олади. Ҳарорат ва ҳаво намлиги комсток қуртининг ривожланишига таъсир этувчи асосий омиллар

ҳисобланади.

Ургочи комсток қурти ҳаёти давомида 3 марта тулласса, эркаги 2 марта туллайди. Улар иккинчи ёшига қадар бир хил кўринишда бўлади. Иккинчи ёшда эркак қурт безовта бўла бошлайди. Тўдани ташлаб чиқади хилват жой қидириб ўрмалайди ва бундай жойда мумсимон шаффоф чўзинчоқ пилла ўраб то очилиб чиққунча шу пиллада ривожланади. Эркак қуртнинг иккинчи туллаши пилланинг ичида содир бўлиб шу ерда улар оғиз органларини йўқотади. Улар катта бўлган пиллани ташлаб чиқиб ургочиси билан кўшилади. Ургочи қуртларнинг етилиш даври ҳам шу вақтга тўғри келади.

Ўзбекистонда комсток қурти бир йилда 3 марта насл беради. Қисман тўртинчи марта ҳам насл таркатади. Лекин совуқ тушиши билан 4 насл қирилиб кетади. Битта ургочи қурт 250 дан 600 донагача тухум қўяди. Бир авлодининг ривожланиши ҳароратга қараб 42 кундан 65 кунгача давом этади.

Комсток қуртининг ривожланиш биологиясини яхши билиб, вақтида кураш чораларини ўтказиш, зараркунанданинг зарарини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Комсток қуртини зарарини олдини олиш учун бир қатор агротехник тадбирлар, биологик ва кимёвий ҳимоя усулларини уйғунлаштирган ҳолда қўллаш орқали юқори самара олиш мумкин. Жумладан,

анор, тут дарахти ва бошқа мевали дарахтларнинг қуриган шохларини кузда кесиш, зараркунанда билан зарарланган новдалар, шохлар ва бачкиларни олиб ташлаш, шакл бериш, эски пўстлоқларидан тозалаш, қатор ораларига ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш, минерал ва органик маҳаллий ўғитлар билан озиклантириш, сўғориш режимига риоя қилиш каби агротехник тадбирларни амалга ошириш зараркунанданинг зарарини камайитиришда муҳим ҳисобланади.

Биологик кураш сифатида комсток қуртининг 1-2 ёшли личинкаларига қарши баҳорда псевдафиксус энтомофагини қўллаш яхши самара беради.

Кимёвий курашда циперметрин хлорпирифос, диметоат, имидаклоприд, малатион, клоотианидин таъсир этувчи моддалари бўлган препаратлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Юқоридаги уйғунлашган кураш чора-тадбирларининг ўтказилиши мўл-кўл ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятини яратеди.

Отабек СУЛАЙМОНОВ,
“Ўздавқарантин” инспекцияси Ўсимликлар карантини илмий маркази директори.
Дилрабо ДЎСМАТОВА,
“Ўздавқарантин” инспекцияси Ўсимликлар карантини илмий маркази ходими.

Қорақалпоғистон Республикаси

БЕРУНИЙ ТУМАНИДА ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

**“ЕКО АGRO CAPITAL”
МЧЖ Беруний туманида
жойлашган корхона
бўлиб, паррандачилик
йўналишига
иқтисослаштирилган.
Хоразм вилояти, Нукус
шаҳри ва Тўрткўл
туманларига тухум
етказиб беради.
Паррандачилик
соҳасидаги бугунги
замон талаблари
истеъмолчиларга,
сифатли ва таннархи
арзон маҳсулотларни
етказиб беришни тақозо
этади.**



Германиянинг “BIG DUTCHMAN” компанияси технологияси асосида корхонада жами 100 минг бош товуқ сақланмоқда. Янги линия автоматик равишда, вақтида кунига уч маҳал

паррандаларга ем етказиб бериш хусусиятига эга. Корхонада 33 та ишчи ўрни мавжуд бўлиб, кейинги режага киритилган объектлар ишга туша ишчи ўрнини янада кенгайти-

риш белгиланган.

Бундан ташқари, корхонада экин ерлари 245 гектарни ташкил қилади. Ем-хашак базасини яратиш бўйича ердан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Парранда озукасининг асосий таркиби буғдой ҳисобланади.

– Ҳозирда ишлов берилган жойларга буғдой экишни режага киритганмиз. Сувни тежаш мақсадида ерни текислаш ишлари техникалар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам ўз вақтида эътибор қаратилиб, корхона атрофидаги дарахтларга ишлов берилмоқда. Янги инкубацион цехларни ишга тушириб, ишлаб чиқаришни 2,5 баробарга оширмоқчимиз, – деди биз билан суҳбатда корхона иш бошқарувчиси Рустам Сейтимбетов.

Албатта, иқтисодий ўсишнинг янги нуқталари ишга тушиши билан маҳаллий даромаднинг ошиши кузатилади. Бу эса ўз навбатида халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Навоий ВИЛОЯТИ

САРА АСАРЛАРДА ВАТАН ТАРАННУМИ

“Сен – қудрат манбаи, саодат маскани, жонажон Ўзбекистоним!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллик тантаналари жойларда давом этмоқда.



Байрам муносабати билан Навоий вилоятида ижод аҳли ўртасида ўтказилган “Энг улуг, энг азий” анъанавий кўрик-танловида ҳам Ватан мавзусини тараннум этган ижодий ишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги танловга барча йўналишлар бўйича жами 80 га яқин ҳужжатлар келиб тушди. Танловга Навоий вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш соҳасида, иқтисодий имкониятларини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган ишларни, пандемия шароитида аҳоли фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳаётий мисоллар ва таҳлиллар асосида ҳолис ва ҳаққоний ёритилган ижодий асарлар қабул қилинди.

Кеча “Ҳудудгаз Навоий” МЧЖ биносига ғолибларни тақдирлаш маросими ўтказилиб, мазкур тадбир катта тантананага айланди.

Вилоятдаги ёзувчи ва шоирлар, ОАВ ходимлари ҳамда расом ва фотосуратчилар иштирок этган тадбирда иштирокчилар дастлаб китоблар кўرғазмаси, вилоят ҳунармандлари ва расомларининг ижод намуналаридан иборат кўрғазма билан танишдилар. Шундан сўнг ғолибларга ташкилотчилар томонидан 1-,2-,3-ўрин кесимида диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Танлов ҳайъати қарорига кўра “Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари йўналиши” бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, карманалик таниқли шоир Одил Ҳотамов “Қуёш сиёҳдони” шеърий тўплами учун биринчи ўринга лойиқ кўрилган бўлса, “Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари” йўналишида Навоий шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги “Навоий зийси” газетаси таҳририяти мутлоқ ғолиб, деб топилди.

“Оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган веб-сайтлардаги интернет-журналистика материаллари” юзасидан журналист Абдували Бўриев Ўзбекистон Миллий

Ахборот агентлиги веб-сайтида эълон қилган туркум материаллари учун, “Тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари” йўналишида эса Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси Шерзод Чориев энг юқори ўринга эга, деб топилди.

Телевидение ва радио ижодкорларининг ҳаётимиздаги ўрни ва танловга айна шу йўналишда келиб тушган ҳужжатлар салмоғи кўплиги учун ҳакамлар томонидан бу йўналишда 4 нафар ғолиб аниқланди ҳамда биринчи ўрин Навоий вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи катта муҳаррири Фароғат Барноевага насиб этди.

– Бундай танловлар, айниқса ёш ижодкорлар учун катта маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтайди, – дейди ғолиблардан бири, “Менинг юртим” телеканалининг Навоий вилояти бўйича муҳбири Азиза Абдурашулова. – Бундан ташқари, жамиятимизни бирлаштириб турган Истиқлол ғоясини қанчалик маҳорат билан тарғиб қилсак, бу янги Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси учун катта аҳамиятга эга. Боиси бугунги тинч-осуда ҳаётимизда эришаётган муваффақиятларимизнинг ҳар бири замирида, аввало Мустақиллик берган имкониятлар мужассам.

Тадбир якунида ижодий мулоқот давом этиб, қалами ўткир ижодкорлар томонидан ёшлар учун маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди.

Отабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

“Ўзбеккино”
миллий агентлиги
бош директори
Фирдавс Абдуҳолиқов
Тошкентдаги Гёте
институти раҳбари
жаноб Ян Хельфер
билан учрашди.

ТОШКЕНТДА «ШУМ БОЛА» КИНОФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ



“Ўзбеккино” миллий агентлигида ташкил этилган учрашув давомида жорий йилнинг сентябрь ойи охирида ўтказилиши режалаштирилган “Шум бола” немис болалар фильмлари фестивалини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди.

“Шум бола” кинофестивали 2020 йилнинг баҳорига режалаштирилган эди. Бироқ карантин чекловлари туфайли номаълум муддатга қолдирилганди. 21-25 сентябрь кунлари Гёте институти “Ўзбеккино” миллий агентлиги билан ҳамкорликда ушбу фестивални ўтказишга келишиб олди. Фестивалнинг асосий қисми институт ёнидаги “Гёте-парк”да ўтказилиши кўзда тутилган. Учрашувда мазкур тадбирнинг мазмунли ўтишида “Ўзбеккино” миллий агентлиги ҳам ўз ҳиссасини қўшиши таъкидланди.

Шу билан бирга, фестивалда немис болалар фильмларидан ташқари ёш ўзбек режиссёрларининг қисқа метражли фильмлари ҳам намойиш этилади.

Шунингдек, томонлар 2020 йилнинг декабрь ойида немис ва ўзбек киноижодкорлари ўртасида маҳорат дарсларини ўтказиш, тажриба алмашиш бўйича ҳам масалаларни муҳокама қилди.


ЎЗА

ФЕРМЕР ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!



«ЧИРЧИҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ» АЖ

Қуйидаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотилишини маълум қилади:



Манзил: 111714, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Алишер Навоий шоҳ кўчаси 92-уй.

Мурожаат учун телефонлар: (+998 70) 716-21-58, (+998 97) 737-68-15.

e-mail: chzsxt@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

Маҳсулотлар сертификатланган.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

Олмазор туманидан рўйхатдан ўтган "DAVR ISTIQLOL" хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатига тегишли 1 (бир) дона думалоқ мухр ва 1 (бир) дона бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"KARTON BOX SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган 1 (бир) дона думалоқ мухр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси марказининг Қорақалпоғистон бўлими раҳбари, профессор С.Шамшетовга укаси

Дусенбай ШАМШЕТОВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХЎЖАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадҷон
ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАЙТОНОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ,
Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Раимкул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Саҳифаловчи-дизайнер
М.ЮСУПОВ

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78. Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04. web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буортма Г-925, ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қорғо бичими А-3. Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. 2 387 нускада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Баҳоиси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.20